


Жаннатни сотиб олса бўладими?



14:00 / 02.11.2021 1869

Ҳофиз ибн Ҳажар зикр қилади:

Сунан соҳиби Имом Абу Довуд кемага минган эдилар. Сузиб кетаётганларида соҳилдаги бир кишини аксиргани ва «Алҳамдулиллаҳ» дея ҳамд айтганини эшитдилар. Кема соҳибини чақириб қўлига бир дирҳам бердилар ва ўша аксирган одамга «Ярҳамукаллоҳ» дея етказиб қўйишини сўрадилар. Қайтиб келгач, кемачи бунинг сабабини сўраганиди, у зот: «Шоядки, менга «яхдийкумуллоҳу ва йуслиҳу баалакум!», дея жавоб айтаётган вақтида у дуоси ижобат бўлувчи инсон бўлса!», дедилар.

Уйқуга ётганларида бир овоз: «Эй кема аҳли, албатта Абу Довуд жаннатни бир дирҳам эвазига сотиб олди!» дея жар солди.

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ ушбу ривоятга яна қўшимча қиладилар: «Киши озгина бўлсада яхшиликни келтиришида рад этмаслиги ва оз бўлсада ёмон ишдан четланишда бўлиши лозим. Чунки у Аллоҳ таоло қайси бир ҳасаноти ила уни раҳм қилишини ва қайси бир ёмон амали учун унга қаттиқ ғазаб қилиши мумкинлигини билмайди.

«Фатҳул Борий»дан

Манба: arabicuz